

Бу не мусибат!



07:59 / 29.06.2020 2827

Мисъар ибн Кидомдан ривоят қилинади: «Суфён Саврий билан бирга кетаётган эдим, йўлда бир киши Суфёндан бирор нарса беришни сўради. Суфённинг ҳеч нарсаси йўқ экан, йиғлаб юборди. «Нега йиғлаяпсан?» десам, «Бу не мусибатки, бир киши сендан яхшилик умид қилиб турса-ю, унга беришга ҳеч нарсанг бўлмаса», деди.

Масруқ айтади: «Бир киши «Дунёдан юз ўгирган зоҳидлар, охиратга рағбат қилган орифлар қаерда?» деб сўради. Ҳеч ким индамагач, «Наҳот шундай одамлар қолмаган бўлса?» деди. Ибн Умар унинг бу гапини эшитиб, кўлидан ушлаб Набий алайҳиссалом, Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анҳумоларнинг қабрларига олиб бориб, «Мана, сен истаган кишилар!» деди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан